Olimlar amerikalik hindular bilan turkiy xalqlar lug‘atlarida, urf-odatlari va e’tiqodlarida ancha o‘xshashliklar borligini aniqlashmoqda. Masalan, Shimoliy Amerikadagi hindular shaman diniga sig‘inadi. Bu din esa turklarning Islomdan avvalgi dinidir. Davomini surishtirsangiz, hozir ham Sibirda yashaydigan qator turkiy xalqlar shaman diniga e’tiqod qilishadi.

Amerika hindulari madaniyatida bo‘ri har doim katta o‘rin tutgan. Ammo yevropaliklar madaniyatidan farqli o‘laroq, ularning madaniyatida bo‘ri ijobiy ramz sifatida gavdalanadi. Ko‘plab tub amerikalik afsonalarda bo‘ri qabila himoyachisi sifatida namoyon bo‘ladi. Jumladan, Shoshon folklorida bu jonivor har doim ayollar va yosh bolalarning homiysi sifatida talqin etiladi.

Qadimgi afsonaga ko‘ra, Shoshon qishlog‘iga dushmanlar hujum qilishadi. Bolalar, asosan qizlar va onalari qishloqni chor tarafdan o‘rab turgan o‘rmon tomonga qochishadi. Butun qavmni qirib yuborishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan dushmanlar ularning orqasidan quvishadi. Qochqinlar o‘rmonga yashirinishga uringan damlarda bir to‘da bo‘rilarga duch kelishadi. Lekin bo‘rilar ularga hujum qilmaydi, aksincha, barchasini himoyalash maqsadida yon-atroflarini o‘rab oladi va dushmanga qarshi jangga kirishadi. Shunday qilib, bo‘rilarning sharofati bilan bir qavm omon qoladi va qadrdon qishlog‘iga sog‘-salomat qaytadi. Alqissa, bo‘ri mahalliy aholi totemiga aylanadi.

Turklarda ham ko‘k bo‘ri totem sanaladi. Ularning bayrog‘ida bo‘ri ramzi o‘z aksini topgan.

Amerikalik hindularda DNK tekshiruvi o‘tkazilganda, haqiqatan ham, ular turklar bilan qarindosh ekanligi aniqlangan. Shuningdek, asl kelib chiqish joylari Oltoy o‘lkasi ekanligi ma’lum bo‘lgan.

Nyu-York universitetining antropologiya bo‘yicha professori Laura Tedesko O‘zbekistonga kelganida bir jurnalist unga “Qoraqalpoqlarning taqinchoqlari tub amerikaliklarnikiga o‘xshaydi, bunga qanday qaraysiz?” degan savol beradi. Laura Tedesko aynan shundan taajjubda ekanligini yashirmaydi.

– Darvoqe, men bunga Nukusda bo‘lganimda ishonch hosil qildim, – deydi u. – Qoraqalpoqlarning me’moriy unsurlari, badiiy san’at asarlari, musiqalari Qo‘shma shtatlarda yashaydigan tub aholilarnikiga o‘xshashligini angladim. Ammo amerikalik hindular bilan qoraqalpoqlar o‘rtasida qadimiy qarindoshlik aloqalari mavjudligini bayon etish katta tavakkalchilikni talab qiladi. Ayni chog‘da, uni inkor etib ham bo‘lmaydi. Demak, bu masalada chuqur tadqiqotlar o‘tkazish zarur.

Pinar Fedakar xonim ham o‘z asarida tub amerikaliklar bilan turkiy xalqlarning, chunonchi, qoraqalpoq xalqi og‘zaki ijodida mushtarak jihatlar borligiga e’tibor qaratgan.

Umuman olganda, tub amerikaliklarning turkiylarga qarindoshligi masalasi bo‘yicha talay ilmiy ishlar olib borilgan. Taniqli etnograf T.Kreber esa, asteklar aslida turkiylar ekanligini aniqlagan.

Zero, asteklar o‘z nomlarini oq rangli ilon xudolar bilan bog‘lashadi va bu jonivorni o‘zlarining totemi hisoblashadi. “Astek” so‘zini muomalaga aslida yevropaliklar kiritishgan. Qavm ahli o‘zlarini “aksilan” deb atagan. “Ak” ularning tilida “oq”, “silan” esa “ilon” degan ma’noni anglatadi. “Aksilan” atamasini asteklar talaffuzi bilan turkiycha “oq ilon”, “aq jilan”, “aq zilan” deb taqqoslab ko‘rsangiz, hammasi o‘z-o‘zidan oydinlashadi.

Maya tilida “ma” salbiy qo‘shimchasi mavjud. U zamonaviy turkiy tillarda ham uchraydi (masalan: borma, turma). Taqvimning birinchi oyi “yash-kin” deb nomlanadi, u bizning talqinimizda “yosh kun” (yangi kun) degani bo‘ladi. Siu tilida “tan” so‘zi mavjud bo‘lib, u erta tongni bildiradi va turkiy tillardagi “tong” so‘ziga to‘g‘ri keladi.

Etrusk tili olimlar uchun katta jumboq bo‘lib qolmoqda. Ushbu tildan hozir deyarli barcha turkiy xalqlar uchun tushunarli bo‘lgan bir nechta so‘zni keltiramiz: atta – ota, anna – ona, aqlan – o‘g‘il (o‘g‘lon), kilan – kelin, su – suv, yet – et, go‘sht, bult – bulut, qis – qiz, buil – bu yil, qatn – xotin, engen – yenggan (g‘olib bo‘lgan), at – ot (miltiqni), ar – er, er – yer, ut – o‘t (yong‘in), kn – kun (quyosh). Bunday misollarni ko‘plab keltirish mumkin.

Mashhur qoraqalpoq shoiri Ibroyim Yusupovning “Qoraqalpoq haqida so‘z” she’rida shunday satr bor:

Barcha xalqni qoraqalpoqdan chiqarib,
O‘z tarixini boshlar Odam-Otadan...

Bu bilan biz amerikalik hindular qoraqalpoqlardan chiqqan demoqchi emasmiz, faqat bir haqiqatni eslatmoqchimiz: qoraqalpoqlar ham o‘z tilini, tarixini, urf-odatini yaxshi saqlab kelayotgan turkiy xalqlardan biridir. Binobarin, ushbu yo‘nalishda ham ilmiy ishlar olib borilsa, olamshumul yangiliklarga yo‘l ochilishi ehtimoldan xoli emas. Har qalay, tariximizni 2-3 ming yillar doirasida chegaralab qo‘ymay, undan oldingi davrlarga ham nazar solsak, foydadan xoli bo‘lmaydi.

Adabiyotlar

1. Мамбетирзаева Н. Миллий мәдений мийрасларымыз-мақтанышымыз. / «Еркин Қарақалпақстан» газетасы, 13-октябрь 2015-жыл №124 (157421).
2. Mehmet Serdar Kaygısız. Karakalpak Türklerinin Er Ziyvar Destanı (Inceleme-Metin). Antalya, 2020.
3. Pınar Donmez Fedakár. Karakalpak efsaneleri (inceleme-metinler). - Izmir, 2012.
4. Çise Selver Rahmani. Köroğlu Destanı’nın Karakalpak Varyantı Áwezhan Kolu Kolları (İnceleme-Metinler). Antalya, 2018.
5. Şeyma Gürleyen. Mespatsa destanı ve turkiye turkcesine aktarımı uzerine // «Түркий халықлар фольклоры, әдебияттаныў ҳәм тил билиминиң әҳмийетли мәселелери: улыўма уйғынлық ҳәм миллий өзгешелик» атамасындағыхалықаралықилимий-теориялыкконференцияматериаллары.-Нөкис,2019.-Б.16-21.
6. Zeynep Begüm OK. Köroğlu Destanı’nın Karakalpak Varyantı Äwez’in Evlenişi, Arap Rayhan, Qırmandäli, Bazergen Kolları (İnceleme-Metinler). Antalya, 2018.

REZYUME. Maqolada Qoraqalpoq xalqi badiiy og’zaki ijodiyoti va jahon folklorining bazi uzviy bog’liqlik tomonlari turk olimi Pinar Fedakar mehnatlari asosida tahlil qilingan. Shuningdek, qoraqalpoq folklorinin yangicha nuqtai nazarda o’rganish masalasi haqida fikr yuritilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются некоторые аспекты взаимосвязи художественного устного творчества каракалпакского народа с мировым фольклором на материале работ турецкого ученого Пынар Федакар. Также обсуждался вопрос изучения каракалпакского фольклора с новой точки зрения.

SUMMARY. In the article, some aspects of the interrelation between the artistic oral creativity of the Karakalpak people and world folklore are analyzed based on the works of the Turkish scientist Pinar Fedakar. Also, the issue of studying Karakalpak folklore from a new point of view was discussed.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ ЖАНРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

П.Алламбергенова – *докторант*

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Таянч сўзлар: журналист суриштируви, тасниф, репортёр, жиноят, текширув, жанр.

Ключевые слова: журналист-расследователь, классификация, репортер, преступление, расследование, жанр.

Key words: investigative journalist, genre, classification, reporter, crime, investigation, genre.

Анъанавий журналистика илмида ва миллий журналистикада журналист суриштируви асосан журналистик тадқиқотнинг синоними сифатида қўлланиларди. Шу боис унинг асосий вазифаси ижтимоий ҳаётнинг турли муаммолари юзасидан мақола, очерк ёки фельетон ёзишда таҳлилга тор-

тилган маълумотлар йиғиндиси ёки таҳлил олиб бориш жараёнида фактларга эга бўлиш учун қўлланиладиган усул сифатида тушуниб келинди. У даставвал, ҳақиқатни юзага чиқариш ва маълум бир манфаат юзасидан сир тутилаётган муҳим ахборотларни ошкор этиш функциясига ҳам эга бўлди. Бу журналистикада суриштирув жанрининг вужудга келишига туртки берди.

Рус тадқиқотчиси А.Тертычный суриштирув журналистикаси тушунчаси бугунга келиб журналистларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам тасаввурида аниқ моҳият касб этишини, аммо аввалроқ, яъни, собиқ шўролар тузуми даври журналистикасида бу тушунча умуман ишлатилмаган ва унга фақат салбий тушунча сифатида қаралганини таъкидлайди. Бунга сабаб қилиб “фавқулодда воқеа ва ҳодисалар, яъни фожиалар, жиноятлар, молиявий фирибгарликлар ва коррупция фактлари, тарих сирлари ҳамда ундаги “қора” саҳифалар ва умуман, энг оммабоп мавзулар ҳисобланган”[1,4] ини кўрсатади.

Мазкур жанр ҳақидаги назарий манбаларда унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши XIX аср охири XX бошлари Америка матбуотида бошланганини кўрсатади [2:136].

Журналист суриштируви жанрининг самарадорлиги Германия, Австрия, Буюк Британия каби қатор мамлакатлар журналистикасида ҳам кузатилади. Хусусан, Германия матбуотида Герман Гюнтер Вальраффнинг бир қатор долзарб муаммоларга бағишланган журналист суриштирувлари туркуми чоп этилди. Дунё мамлакатлари орасида япон журналистикасидаги журналист-суриштирувчиларнинг ўрни ҳам анча мустаҳкам.

Европа давлатларининг турли шаҳарларида журналист суриштирувига нисбатан турлича ёндошилади. Англияда бу жанр сиёсий йўналишнинг ажралмас қисми ҳисобланса, Испанияда эса жамоатчилик фикрини шаклланишида ОАВ яқин ўн йилликлардан бошлаб ўз таъсирини кўрсатишни бошлаган. Бельгия ва Франция давлатларида суд жараёнида маълумотлар бўйича баҳслашув бўлган тақдирда журналистлар манбааларни ошкор қилиши шарт эмас, фақатгина ишончли ёки ишончсиз эканлигини таъкидлаш лозим[3,40] ҳисобланади.

“Newsdey” газетаси бош муҳаррирнинг собиқ ўринбосари Роберт Гриннинг фикрича, аҳамиятли мавзу бўйича ўз ҳохиши билан ишлаган ва баъзи инсонлар ёки ташкилотлар сир бўлиб қолишини истаган муҳим мавзуга асосланган журналист материалидир [4:12].

Ўзбек журналистикасида журналист суриштируви жанри асосан, XX аср бошларидан, аниқроғи миллий матбуотимиз пайдо бўлган даврлардан ривожлана бошланди. “Журналист суриштируви: назария, амалиёт ва муаммолар” ўқув қўланмасида эса ўзбек матбуотида илк журналистик суриштирув элементлари XIX аср охирларида пайдо бўлгани қайд этилади.

Ўзбек олимлари Ё.Маматова ва С.Сулаймоновалар эса, журналист суриштирувини ҳам эски, ҳам янги жанр ва фаолият тури эканлигини, чунки суриштирув кўринишидаги материаллар журналистика амалиётида мазкур жанр назарияси ва журналист фаолиятининг тегишли йўналиши сифатида шаклланишидан анча олдин пайдо бўлганлигини кайд этадилар [5,8].

Тадқиқотимиз объекти бўлган Қорақалпоғистонда ҳам журналист суриштируви XX асрнинг охирларида, аниқроғи 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларидан тарихга “қайта қуриш” номи билан кирган сиёсий жараёнлар даврида ривожлана бошлади.

Журналист суриштирувининг асосий хусусиятларидан бири, жамоатчиликнинг манфаатига зид бўлган, ғайриқонуний равишда сир сақланаётган муаммони атрофлича ва асосли ўрганиб, уни ошкора этишдан иборат. Бунда журналист аниқ фактлар, ҳужжатлар, маълумотномалар, оммавий ахборот воситаларидаги материаллар, гувоҳларнинг кўрсатмаларига таянади.

“Журналист суриштируви ҳаётдаги яширин ҳодисаларни, яъни ҳокимиятга эга шахслар томонидан ёки тақдир тақозо билан атайлаб яширилган воқеаларни фош этишни кўзда тутади” [5:18]. Аммо журналист суриштирувида доимо ошкоралик намоён бўлавермайди. Одатда тахмин қилинадики, журналист текширувлари юқори ҳокимиятда юз бераётган жиноятларни фош қилишга қаратилиши керакдай, аммо ҳамиша ҳам бундай эмас. Баъзан текширувнинг вазифаси – у ёки бу тизим, масалан, мураккаб қонун қандай тузилишга эга эканини тушунтиришдан иборат [6:135] бўлади.

Юқорида мутахассисларнинг фикридан кўринадики, журналист суриштируви жанр сифатида ўзининг мазмуни, олдига қўйган мақсади, воқеликка таъсири, ахборот олиш усуллари, қўлга киритилган материалларни тасвирлаш жиҳатлари билан бошқа жанрлардан ажралиб туради.

Жаҳон журналистикасида, айниқса, XX аср охирида ривожлана бошлаган суриштирувлар биринчи галда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида мавжуд бўлган салбий ҳодисаларга шунингдек, ҳуқуқий тизим олдини ололмаётган ёки чек қўя олмаётган (баъзан хоҳламаётган) бир қатор қонунбузарликларга нисбатан омманинг муносабати орқали ифодаланади.

Бундан мақсад – келтириб чиқарган сабабларини аниқлаш ва уни ҳал этишга мутасаддилар диққатини қараташдир. Тўғри одатда, муаммони очишда унга алоқадор бўлганлар маълумотларни яширишга, айбни ўзидан соқит қилишга уринишлар бўлади. Аммо кўчанинг асфальт қилинмаганлиги ёки болалар боғчасида овқатнинг белгиланган меъёрларда тайёрланмаслигини, ойлик-маошнинг ўз вақтида берилмаслиги ёки уйларнинг ертўласига сувнинг тўлиб қолиши ва шунга ўхшаш муаммолар борлигини ҳамма билади. Журналист ўша муаммони кўтариш орқали жамоатчиликнинг эътиборини унга қаратади.

Шу ўринда журналистик суриштирув жанри билан муаммоли кўрсатув жанрининг бир-биридан фарқини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Чунки ёш мутахассислар ушбу икки жанрни кўпинча бир-биридан ажрата олмайдилар. Тадқиқот олиб бориш, манбаларни белгилаш ва ўрганиш, муаммоли мураккаб воқеликни очиш, турли фаразларни илгари суриш, уларни факт ва фикрларга солиштириш ҳар иккала жанрга хос. Журналистик суриштирув жанри муаллиф олдига кўпроқ талаблар қўяди. Суриштирувда журналист қонун бузилишини кўрсатиб бериши, суистеъмоллик ҳолатини фош этиши, ушбу қонунга хилоф ҳолатларнинг сабабчиларини аниқлашни вазифа сифатида олдига қуйиши керак.

Яна бир муҳим белги – муаммоли кўрсатув учун объектни ўйлаб топиш мумкин, бироқ суриштирув учун мавзу фақат бўлиб ўтган воқеликдан олинади. Бунга асос сифатида журналистнинг шахсий кузатуви, шикоят ёки айрим махсус ишоралар хизмат қилиши мумкин.

Ўхшашлиги эса, ҳар иккаласининг ҳам объекти – салбий ҳодиса, унинг сабаблар ўрганилади, факт ва далиллар таҳлил қилинади. Аммо муаммоли кўрсатувда, муаммонинг жавобгари бор, суриштирувда эса уни топиш керак, бу эса муаммоли кўрсатувдай тез битадиган иш эмас. У жиноий вазиятлар, сирли ҳолатлар бўлиши мумкин. Бу суриштирув жараёнини мураккаблаштиради.

Суриштирувни ўтказиш жараёнида анъанавий, ноанъанавий, очиқ ва ёпиқ манбалардан фойдаланишни тақозо этади. Албатта, бунда керакли маълумотни

олиш, уни таҳлил ва талқин қилиш журналист маҳоратига боғлиқ.

Журналист суриштируви пишиқ технология ҳамда кўп вақт талаб этадиган жанрлардан бири саналади. Уни тайёрлаш учун камида бир ҳафта, бир неча ойлар, йиллар керак бўлади. “Америка каби ривожланган давлатлардаги йирик таҳририятларда материал талаби ва тадқиқотига маълум нормалар ўрнатилмаган. Жанр моҳиятига мос материаллар эса доимо қизиқиш уйғотади” [3:187]. Журналист суриштируви узоқ давом этадиган бир неча босқичли жараён. Унда асосан нималарга эътибор берилади? “Журналистское расследование” китоби муаллифлари қуйидаги босқичлар тавсия қилади:

- ҳаракат режасини тузиш;
- бирламчи ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш;
- манбалар билан ишлаш;
- тўпланган материалларни саралаш;
- далиллар базасини шакллантириш;
- интервьюларни жамлаш;
- юридик экспертизалар;
- материални тайёрлаш [3:186].

Албатта, тўпланган маълумотларни саралаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мутахассислар бугунги кун нуқтаи назаридан маълумотлар билан ишлашнинг икки босқичини тавсия этади: Биринчиси, мавзуга дахлдор объект тўғрисида маълумотларни тўплаш ва очиқ манбалар орқали қайта ўрганиш. Иккинчиси, турли ижтимоий тармоқлар ва базалардан маълумотлар йиғиш ва қайта текшириш. “Журналист жамиятдаги турли ахборот маконларидаги маълумотлардан фойдаланади. Улар ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин: қонунлар ва ҳокимият органларининг қарорлари, фанларнинг фундаментал қоидаларидан то турли жойлар, одамлар, воқеалар тафсилотигача” [7:162]. Очиқ манбалар орқали маълумотларни қидириш аввало, мавзу борасида ОАВда ёритилган материаллар, телевидение архиви, қолаверса, интернет орқали маълумотларни саралашни талаб қилади. Бу асосан мавзу борасида қўшимча маълумотларга эга бўлишда қўл келади. Масалан, Россия давлатида журналистлар мавзу борасидаги маълумотларни очиқ манбалар билан шуғулланадиган технологик ускуналар билан таъминланган агентликка хат билан мурожаат қилган ҳолда олишади. “Тартибига кўра, мавзу аниқ бўлгач, журналист суриштируви агентлигининг аналитик – архив бўлимига сўровнома жўнатилади. Бир қанча вақтдан сўнг сўровномага кўра аниқланган ҳужжатлар маълум бўлади” [3:187].

Суриштирувни олиб бораётган журналистлар кўп ҳолатларда эътиборсизлик туфайли муҳим бўлган тафсилотларни қўлдан бой беришади. Бундай маълумотларни қайта топишга уриниш эса мушкул масала. “Умумий қоидаларга кўра, журналист ўз фаолиятида яширинган маълумотларга дуч келган тақдирда, бошқа жойдан маълумот топа олишни ҳам билиши керак. Агар маълумотлар орасида керакмасдек кўринганлари бўлса, тушкунликка тушмаслик керак. Фақат далиллар тўпланиб турли-туман қарашлар пайдо бўлгандагина уларни мозаикадек йиғиш имкони бўлади” [3:217].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Халқаро журналистлар федерацияси томонидан қабул килинган декларацияда айнан журналист-суриштирувчилар фаолиятига бевосита алоқадор бўлган бир нечта муҳим қоидалар белгиланган. Улар қўйидагилардан иборат:

1. ***Ҳақиқат ва жамиятнинг ундан хабардор бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш журналист олдида турган асосий бурч ҳисобланади.***

2. ***Касбий фаолиятини олиб бораётган журналист ахборотни қонуний йўл билан излаш ва уни эълон қилиш эркинлиги ҳамда холис изоҳ ва танқид ҳуқуқини ҳимоялаши, уларга амал қилиши лозим.***

3. ***Журналист ўзига маълум бўлган манба билангина ишлаши керак. У муҳим ахборотни эътибордан четда қолдирмаслиги ва ҳужжатларни сохталаштирмаслиги зарур.***

4. ***Ахборот, сурат ва ҳужжатларни излаётганда журналист холис ва ҳаққоний усуллардан фойдаланмоғи зарур.***

5. ***Журналист жиддий зарар етказадиган ахборотдан иложи борича тўғри фойдаланиши ёки ундан умуман фойдаланмасликка ҳаракат қилгани маъқул.***

“Журналист ҳар қандай суриштирув ва ошкора қилиш жараёнида аниқ факт, асосий факт, қўшимча факт ва аҳамиятли фактларга асосланган ҳолда ўзининг журналистик суриштирувдаги маҳоратини кўрсатиши керак” [8:197].

Тадқиқотимиз объекти бўлган Қорақалпоғистондаги мавжуд телеканалларнинг ичида асосан, Қорақалпоғистон давлат телевидениеси журналистик суриштирув дастлаб журналист Ташкентбай Халмуратов муаллифлигида “Инсон ва қонун” кўрсатувида узатилган. Кейинчалик “Адолат кўзгуси” (“Әдиллик айнасы”) кўрсатуви 1999 йилдан эътиборан томошабинлар эътиборига ҳавола этила бошланди. “Адолат кўзгуси” кўрсатуви Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жумладан, Республика прокуратураси билан ҳамкорликда тайёрланади. Мазкур кўрсатувда турли соҳалардаги инсон омили билан боғлиқ бўлган турли жиноий ишлар бўйича суриштирув ишлари олиб борилади.

“Журналистик суриштирувларида бошқа жанрларда бўлгани каби муаллифлар муайян мазуларга ихтисослашган бўлади. Кимнингдир давлат харидлари ва хусусийлаштириш, яъни иқтисодий жиноятлар қизиқтирса, бошқаларни уюшган жиноятчилик ва жиноятчилик дунёси қизиқтиради” [9:140-141].

Дарҳиқиқат, мазкур кўрсатув муаллифи Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Динара Алламбергеновани ўз соҳасига ихтисослашган журналист сифатида эътироф этиш мумкин.

Бошқа нодавлат телеканалларида журналистик суриштирув берилмайдими деган ҳақли савол туғилади. Нафақат Қорақалпоғистон, балки Ўзбекистондаги мавжуд нодавлат телеканаллар асосан, кўнгилочар-мусиқий дастурларга эътибор қаратган. Кузатишларимизга кўра, фақат танқидий материаллар информацион дастурларнинг айрим сонларида узатилади. Масалан, Элликқалъа туманида фаолият юритувчи “ЕTV” телеканалининг “Янгиликлар” дастурида тумандаги бартараф этилиши лозим бўлган айрим муаммолар ёритилиб борилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун сўз ва матбуот эркинлиги таъминланаётган бир пайтда турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришда журналистик суриштирувдан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, бундан мақсад эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, халқнинг фаровонлигини таъминлашдир.

Адабиётлар

1. Тертичный А. А. Расследовательская журналистика. М: Аспект Пресс. 2002. С.4
2. Нестеренко Ф.П., Ирназаров К.Т, Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчесто, мастерство. Т.: Zarqal-am. 2002. С.136.
3. Журналистское расследование. История метода и современная практика. Под ред. А. Д. Константинова − СПб.: Изда-

тельский Дом “Нева”, М.: “ОЛМА-ПРЕСС”, 2003. С.40;186;161;217. 480.
4. Уллмен Ж. Журналисткие расследовния: современнее методы и техника.Пер.с англ. М.:Виоланта.1998. С.12.
5. Маматова Я. Сулаймонова С. Ҳақиқат излаб: Ўзбекистонда журналист суриштирувининг самарадорлик омиллари. - Т.: Extremum-Press. 2015. Б.8; 18
6. Кримски Ж. Репортаж материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Тошкент. 2003. Б.135.
7. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста.-М:Аспект Пресс,2000. С.162. −480.
8. Глобалласыў процесси ҳәм ғалаба хабар қураллары хызмети. Илимий мийнетлер топламы. Н.:ҚДУ. Б.197. −260.
9. Ихтисослашган журналистика. IX Жилд.Т.: “O`zbekiston” НМИУ, 2019. Б.140-141. −784.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада журналистик суриштирув жанри назарияси ва унинг таснифи ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, тақриз жанрининг телевидениеда намоён бўлиши мисоллар билан илмий асослаб берилди.

РЕЗЮМЕ. В данной статье речь идет о теории жанра журналистского расследования и его классификации. Также было научно обосновано на примерах проявление жанра рецензии на телевидении.

SUMMARY. This article deals with the theory of the genre of journalistic investigation and its classification. Besides, the article was also scientifically substantiated based on examples of the manifestation of the genre of review on television.

ҚАРАҚАЛПАҚ ПРОЗАСЫНДА ГҮРРИҢ ЖАНРЫНДА ДЕТЕКТИВ ФОРМАЛАРДЫҢ БЕРИЛИЎИ

З.Алламуратова – *филология илимлери бойынша философия докторы*
Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: адабиёт, жанр, детектив, сюжет, ҳажвий сюжет, ҳикоя.
Ключевые слова: литература, жанр, детектив, сюжет, комический сюжет, повесть.
Key words: literature, genre, detective story, plot, comic plot, story.

Ғәрезсизлик дәўириндеги қарақалпақ прозасында ҳәзирги заманның актуаль мәселелерин сәўлелендиретуғын шығармалар, әсиресе, оператив жанр болған гүрриңлердиң идеялық - тематикалық жақтан раўажланғанын көриўге болады. Усы дәўир гүрриңлердиң баслы тематикасы ҳәр тәреплеме жетилискен кәмил инсан образын жасаў, адам баласының тәғдир соқпақларындағы түрлише ис-ҳәрекетлерин, әдеп-икрамлылық, адамгершилик қәсийетлерин, жаманлықтан жийиркениў, нәпси бәлесине жолығыўдың унамсыз ақыбетлери ҳәм т.б. мәселелерге бағышланған. Бул дәўирдеги гүрриңлер тематикасында инсанның тиришилик ҳаққындағы ғалма-ғаллары, өмирдиң қарама-қарсылықлы соқпақлары, бала-шаға бағыў жолындағы талпынышлары, үйди-үй етиўдеги ҳаялдың орны, ата-ананың кең қәлби, муҳаббат жолында алжасқан ҳаял-қызлар тәғдири, перзент тәрбиясы мәселелери, балалықтағы ерси қылықлар, жаманлық ҳәм жақсылықтың гүреслери, ийман-инсап, ҳақыйқатгөйлик ҳәм т.б. толып атырған мәселелерде ортаға қойылып, шеберлик пенен ҳәр тәреплеме көркем сәўлелениў тапқан.

Ғәрезсизлик дәўириндеги гүрриңлер бойынша өзиниң илимий жумысын алып барған З.Қытайбекова гүрриң жанрының ғәрезсизлик дәўириндеги раўажланыў бағдарларына таллаў жасай отырып, оларды төмендегидей тематикаларға бөлип үйренеди:

1. Дәўир ҳақыйқатлығын, турмыс шынлығын ҳәм өмирдиң ҳәр қыйлы машқалаларын сүўретлеўге арналған гүрриңлер;
2. Туўылған жер ҳәм Ўатан темасын сәўлелендириўге арналғангүрриңлер;
3. Әдеп-икрамлылық, жоқары адамгершилик, кәмил инсан образын сәўлелендириўге арналған гүрриңлер;
4. Муҳаббат темасына арналған гүрриңлер:
5. Ышқы-муҳаббат, опалы яр,перзент дағы, ҳижран азаплары, айралық дәртлери ҳәм т.б.;
6. Екинши жәҳән урысының трагедиялық ақыбетлерин сүўретлеўгеарналған гүрриңлер;
7. Сатиралық, тымсаллық ҳәм фантастикалық бағдардағы жазылғангүрриңлер;
8. Тарийхый, автобиографиялық, мемуарлық бағдардағы гүрриңлер [2].

Тағы да усы ғәрезсизлик жылларында жәрияланған гүрриңлер ҳаққында илимпаз П.Алламбергенова «Терең идеялы, көркем гүрриңлер керек» деген әдебий сынлық мақаласы жарық көрди. Онда автор былай жазады: «1990-жылы «Әмиўдәрья» журналы гүрриңлерди жәриялаў бойынша бир қанша табысларға ерискен сыяқлы. Өйткени аўдармалардан тысқары онлаған гүрриңлер жәрияланды. Ең баслысы, булардың көпшилиги жас талант ийелериниң дөретпелери болып, ҳәр қыйлы тематиканы қамтыйды. Соның ушын да биз жәрияланған гүрриңлерди төмендегише бөлип қараўды орынлы деп ойлаймыз:

1. Ҳәзирги ўақыттың мәселелерин сөз етиўши гүрриңлер;
2. Уллы Ўатандарлық урыс темасына байланыслы гүрриңлер;
3. Муҳаббат темасына байланыслы гүрриңлер;
4. Сатиралық, тымсаллық бағдарда жазылған гүрриңлер [1:78] деп гүрриңлерди бир неше тематикаға бөлип көрсетеди.

Усы жерде жоқарыда биз сөз еткен илимпазлардың пикирлерине ҳәм олардың тематикалық жақтан бөлиниўлерине қосылған халда ғәрезсизликтен кейин дөретилип, гүрриңлерди тематикалық жақтан тағы да байытып жәрияланған детектив гүрриңлер ҳаққында сөз етиўди макул көрдик. Детектив гүрриңлердиң мазмунында тийкарынан жынаят жүз береди, сол жынаятты ашыў ушын гүрриң қаҳраманларының алып барған ҳәр қыйлы ҳәрекетлери, толғанслары, екилениўлери сөз етилип барылады. Бундай мазмундағы гүрриңлерди дөретиўде белгили шайыр, жазыўшы, отставкадағы подполковник Жуманияз Өтениязов елимизде ғәрезсизликти беккемлеў дәўиринде ишки ислер органлары хызметкерлериниң жынаятшылыққа қарсы гүреслерин сәўлелендириўши бир қанша гүрриңлер дөретти.

Дүньяда адамзаттың еки дүньясы, яғный материаллық ҳәм рууҳый дүньясы бар болатуғын болса, екеўинде барабар теңсалмақлылық болыўы керек. Егер материаллық тәрепи күшейип кетсе, онда инсанның психологиясы өзгереди. Мине усы сыяқлы жәмийетимизде өзиниң инсаныйлығынан айрылған, олардың өзлериниң туўры жолдан шығып кетиўине себепши болған спиртли ишимликлер, нәшебентлик сыяқлы унамсыз иллетлердиң жәмийетимизде көп ушырасатуғынын жазыўшы өзиниң детектив гүрриңлеринде өз сәўлелениўин тапқан. Жуманияз Өтениязовтың «Урланған сейф» китабында жоқарыда биз сөз еткен мазмундағы детектив гүрриңлер жыйнағы топланған болып есапланады. Яғный топламда бир неше гүрриңлер киргизилген болып, олардың дерлик көпшилигинде жынаят иси қозғатылып олардан оқыўшылар өзлерине керекли жуўмақ шығарып, дәўир талабы болған сергекликке шақырылады.

Жазыўшы **«Урланған сейф»** гүрриңинде жынайый ўақыялардың жүз бериўин былайынша баянлайды: «Буннан он жети күн бурын бесинши октябрь күни түнде, усы мәкеме айлыққа банктен нақ пул алған күни